

**«Дехқонобод калий завод» АЖ бошқарувининг 2020 йил якуни билан  
молиявий хўжалик фаолияти ва бизнес режа кўрсаткичларининг  
бажарилиши бўйича ҳисоботи**

2020 йил якуни билан амалдаги нархларда 482,8 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб (режа бажарилиши 110 %), ўсиш суръати 105,5 фоизни ташкил қилди. Соф ҳолда 210,0 минг тн калийли минерал ўғитлар ишлаб чиқарилди, ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш 87,5 фоиз.

“Дехқонобод калий заводи” АЖда калий сульфати ва бошқа калий тузларининг турларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда жамият негизида грануляцияланган калий хлорид ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳалари бўйича бизнес-режалари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2020 йил 27 ноябрдаги 05-05/1-4090-сонли йиғилиш баёнига асосан Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағи ҳисобидан ишлаб чиқариш мажмуаси ва тоғ-кон мажмуаси орасидаги 42 км узунликдаги III тоифали 4К 336 «Бешбулоқ-Тоғайтемир-Кўрғонтош-Хўжайпоқ» автомобиль йўлини жорий таъмирлаш учун 1485 млн. сўм маблағ ажратилди, асфальтбетон қопламани таъмирлаш ишлари “Дехқонобод туман йўллардан фойдаланиш” УК томонидан амалга оширилмоқда.

“Ўзкимёсаноат” АЖ нинг 2020 йил 14 июлдаги 18-3069 сонли хати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланган “2020 йилда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг прогноз кўрсаткичлари” га мувофиқ 2020 йилда 300 минг тонна 38400 минг АҚШ долларлик калий ўғити экспорт қилиш режалаштирилиб, ҳақиқатда 235,3 минг тонна 32149,6 минг АҚШ долларига тенг маҳсулот 12 дан зиёд мамлакатга экспорт қилинди. Белгиланган режа 83,7 % га бажарилди ёки экспорт ҳажми жами сотилган калий ўғитининг 73,4 % ни ташкил этди.

Маҳсулот номи	Ҳақиқатда сотилган товар маҳсулоти	
	Миқдори, минг. тонн.	Суммаси, млн. сум (ҚҚС сиз)
Калий хлорид	320,3	438 502,4
ш.ж.: - ички бозорга	85	112 646,6
- экспортга	235,3	325 855,8
А маркали натрий хлорид	29,3	4 223,9
Бошқалар		7 031,8
<b>жами:</b>	<b>x</b>	<b>449 758,1</b>



Калий хлориднинг сотиш ҳажми 415 минг тонна 534 984 млн. сўм режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 320,3 минг тонна 438 502,4 млн. сўмни ташкил этиб, режа 82 % га бажарилди.

2020 йилда 4 223,9 млн. сўмлик 29,6 минг тн А маркали натрий хлорид маҳсулоти сотилди. Маҳаллийлаштириш дастури бўйича 376,1 тонна 1 982,4 млн сўмлик крахмал ишлаб чиқариш белгиланган бўлиб, ушбу кўрсаткич тўлиқ бажарилди.

Маҳсулот ишлаб чиқаришда хориждан олиб келинадиган импорт маҳсулотларини қисқартириш бўйича прогноз кўрсаткичи 1 376 минг АҚШ доллари бўлиб, амалда ушбу кўрсаткич 1 396 минг АҚШ долларига (103 %) бажарилди. Маҳсулот таннархини камайтириш 20 556 млн. сўм режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 21 486 млн. сўмга (104,5 %) бажарилди.

### **Жамиятда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини пасайтириш чора тадбирларининг амалга оширилиши**

Жамиятда 2020 йилда ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархини тушириш 20 556,4 млн сўм режалаштирилган бўлиб, амалда 21 485,6 млн сўмга пасайтиришга эришилган. Шунингдек жамият ишлаб чиқариш зарурияти туфайли технологик жараёнда ишлатиладиган электродвигателлар таъмирлаш харажатларини камайтириш мақсадида жамиятда электродвигателларни тўлиқ таъмирлаш ва чўлғамларни қайта ўраш цехи ташкил этилиб, қуввати 75 кВт гача бўлган электродвигателларни таъмирлаш амалга оширилмоқда. Бунинг натижаси йил давомида электродвигателларни таъмирлаш харажатларига 20,2 млн. сўм иқтисодий самарага эришилди.

Бундан ташқари жамият зарурияти туфайли четдан олиб келинадиган импорт товарларни сақлаш харажатларини камайтириш мақсадида жамият худудида импорт товарларни сақлаш учун божхона омбори ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилди. Божхона омбори ташкил этиш 2021 йил март ойининг бошида амалга оширилди.

### **Руда қазиб олиш ва кон-капитал ишларининг бажарилиши бўйича**

Тоғ-кон ишларининг 2020 йилдаги истиқболли режасига асосан 2020 йил январь-декабрь ойларида 1 221,5 минг тонна сильвинит рудаси қазилиб, прогноз 81,2% га бажарилган. Руда қазиб олиш кўрсаткичи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 91,4% ни ташкил қилган.

Тоғ-кон ишларининг 2020 йилдаги истиқболли режасига асосан январь-декабрь ойларида 8 340 п.метр кон-капитал ишлари ўрнига 760 п.метр ўтилиб, 7 580 п.метрга ортга қолинган. Кон-капитал ишлари доирасида 23,2 минг тонна техник туз қазиб олинган.



Қоида тариқасида, туз конларида кон-капитал ишлари руда қазиб олишга тайёр панелларни тайёрлашга нисбатан 18 ойга, кон-тайёрлов ишлари эса 8 ойга илгари юриши белгиланган. Амалда, корхона шахтасига 2019 йил охирига қадар етказиб келиниши зарур бўлган 5 комплект магистрал конвейерлардан 4 комплекти 2020 йил 1 ноябрда етказиб келтирилган.

Шахтанинг 7-, 8- ва 9-панелларини очиш учун лаҳмларга магистрал конвейерларининг монтаж қилиниши зарурияти сабаб кон-капитал ишлари қисман амалга оширилган.

01.01.2021 йил ҳолатида руда қазилуш ишлари олиб борилаётган 5-панелда қазиб олиш мумкин бўлган руда қолдиғи тахминан 850 минг тоннани ташкил қилмоқда.

### **Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи бўйича**

Йил якунларига кўра жамиятда ишлаб чиқарилаётган калий хлорид минерал ўғитининг 1 тоннаси учун ишлаб чиқариш таннархи бизнес режадаги 676949 сўм ўрнига амалда 727 590 сўмни ташкил этиб режага нисбатан 50641 сўмга кўпайган.

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини ошишига силвинит хом ашёсининг маҳсулот бирлигига тўғри келадиган таннархи 86594 сўмга, ишлаб чиқариш устама харажатларининг 15778 сўмга ошиши сабаб бўлган.

Маҳсулотнинг тўлиқ таннархи 1 тонна учун бизнес режадаги 1326261 сўм ўрнига амалда 1505898 сўмни ташкил этди, шундан 50 фоизини ишлаб чиқариш таннархи, талаб этиладиган фойда миқдори 50 фоизини ташкил этиб, шундан давр харажатлари 25,5 фоизни, молиявий харажатлар 25,7 % ташкил этди.

### **Жамиятнинг молиявий ҳолати бўйича**

2020 йил бизнес режасига мувофиқ 540 966 млн. сўмлик маҳсулот сотишдан соф тушум режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 449 758 млн. сўмни ташкил этди режа 83% га бажарилди. Соф тушум ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 77 353 млн. сўмга ёки 121 % га кўпайди. Сотилган маҳсулот таннархи соф тушумнинг 51 %ни ташкил қилди.

Жамиятнинг асосий фаолиятининг бошқа даромадлари 9963 млн. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9014 млн. сўмга кўпайган.

Молиявий фаолият бўйича даромадлари 116 300 млн. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14 416 млн. сўмга камайган, молиявий фаолият харажатлари эса 229 676 млн. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18 373 млн. сўмга камайган бўлса, бизнес режага нисбатан эса 94 301 млн. сўмга ёки 170 % кўпайган.



(млрд. сўм)

Номланиши	Режа	Ҳақиқат	баж. %
Маҳсулот сотишдан соф тушум	541,0	449,8	83,1
Сотилган маҳсулотнинг таннархи	312,8	231,3	73,9
Маҳсулот сотишдан ялпи фойда(зарар)	228,2	218,5	95,7
Давр харажати, жами	73,6	112,8	153,3
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари		10	
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)	154,5	115,6	74,8
Молиявий фаолиятнинг даромадлари		116,3	
Молиявий фаолиятнинг харажатлари	135,4	229,7	169,6
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари)	19,2	2,2	11,5
Фойда солиғи	2,3	0,9	39,1
Ҳисобот даврининг соф фойдаси	16,9	1,3	7,7

Жамиятнинг умумхўжалик фаолиятдан олган фойдаси 2 228 млн. сўм бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5 039 млн. сўмга, бизнес режага нисбатан 16 929 млн. сўмга камайган.

Ҳисобот даври натижаларга кўра жамиятда 16 858,0 млн. сўм миқдорида соф фойда олиниши режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 1 336,9 млн. сўмни ташкил этди, режа 8 % га бажарилди.

### 2020 йилда давр харажатларининг бизнес режа кўрсаткичларига нисбатан бажарилиши бўйича

2020 йил учун тасдиқланган бизнес режага мувофиқ давр харажатлари учун 73,6 млрд. сўм миқдорида харажат қилиш кўзда тутилган бўлиб, амалда 112,8 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 28,3 млрд. сўмга кўпайган, бизнес режага нисбатан эса 153 % га кўпайган.

млн. сўм

Харажатлар номи	2019 йил факт	Бизнес режа бўйича	Ҳақи- катда	Фарқи	
				Фоизда	Суммада
Давр харажатлари	55 557	73 646	112 830	153%	39 184
Шу жумладан					
Сотиш харажатлари	15 786	14 816	37 592	254%	22 776



Маъмурий харажатлар	7 712	8 909	10 569	119%	1 660
Бошқа операцион харажатлар	32 058	49 921	64 670	130%	14 748

Сотиш харажати 37,6 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 21,8 млрд. сўмга бизнес режага нисбатан эса 22,8 млрд. сўм ёки 254 % га фарқ қилган.

#### 2.1.1 банди бўйича:

Сотиш харажатларининг ўсишига асосий сабаб маҳсулотни хорижий харидорларнинг талабига кўра DAP Хожидават, DAP Келес шартларида етказиб берилиши, шунингдек жорий йилнинг май ойидан маҳсулот Тошкент шаҳри Сергели туманидаги омбордан FCA ҳамда CPT порт Сурабая (Белаван) шартларида экспорт қилиниши йўлга қўйилди. Ушбу давр мобайнида ижара омборларига маҳсулотларини тушириш, қайта юклаш ҳамда сақлаш мақсадлари учун кўшимча харажатлар пайдо бўлиб, йил бошидан ушбу мақсадлар учун комисион мукофот билан биргаликда 12605,53 млн. сўмлик сарф харажатлар қоплаб берилди.

Сотиш харажатлари таркибидаги темир йўл хизмати харажатлари жорий йилда 9,2 млрд. сўмни ташкил этиб, ушбу даврда 5 млрд. сўм харидорлар томонидан қоплаб берилган, қолган қисми Республика ижара омборларида сақланаётган маҳсулотларни сотишдан тушган соф тушум билан биргаликда қайтарилди. 2020 йилда жамиятда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сотиш нархи ҚҚС сиз 1 326261 сўм, темир йўл вагонларида етказиб бериш харажатлари 40 337 сўм, жами бўлиб маҳсулотни темир йўл вагонларида етказиб бериш нархи 1 571588 сўм қилиб белгиланган. Шундан кўриниб турибдики темир йўл хизмати харажатлари жамиятнинг давр харажатлари фойда ёки зарар келтирмайди.

- Маҳсулотни ижара омборларида сақлаш харажатлари 2 260,8 млн сўмни ташкил этиб, ушбу даврда 1 426,4 млн. сўмни харидорлар томонидан қоплаб берилган. Республикада биржа савдолари орқали сотилган маҳсулотнинг ижара харажатлари харидор томонидан қоплатилишини инобатга оладиган бўлсак, ижара харажатлари жамиятга сотишдан тушган соф тушум шаклида қайтарилди.

- Жорий йилда маҳсулотни экспортга Тошкент шаҳри Сергели туманидаги омборидан юклаб жўнатилганлиги сабаб Сергели омборига темир йўл вагонларида жўнатилган маҳсулотни тушириш, сақлаш ва юклаш учун



2 595,3 млн. сўм, транспорт харажатлари учун 287 млн. сўм сарф харажатлар қилинган.

- "Ўзкимёимпекс" МЧЖ томонидан СРТ порт Сурабая (Белаван) шартида етказиб берилган маҳсулот учун 784,11 минг АҚШ доллари (8115,5 млн. сўм) экспедиторлик хизматлари тақдим этилган.

#### 2.2 банд – Маъмурий бошқарув харажатлари

Маъмурий бошқарув харажатлари 10,6 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,8 млрд. сўмга камайган бўлса, бизнес режага нисбатан 1,6 млрд сўмга ёки 119 % га кўпайган.

Бошқарув ходимларига тегишли бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари 1088,1 млн. сўмга ёки 124 %, бошқарув ходимларига тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалари 111,9 млн. сўм ёки 120 % кўпайган бўлиб, бунга куйидаги омиллар сабаб бўлган:

- ✓ Жамиятда 2020 йилда Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини мувофиқлаштириш, реконструкция ва модернизация лойиҳаларини амалга ошириш бўлими ташкил этилган бўлиб, иш ҳақи харажатлари 246,7 сўмни ташкил қилган.

- ✓ Жамият ягона акциядорининг 2020 йил 14 январдаги қарори асосида тасдиқланган "Жамият бошқарув органларига тўланадиган ҳақ, устама ва қўшимчалар" низомига асосан кузатув кенгаши аъзоларига тафтиш комиссияси ва кузатув кенгаши аъзоларига тўланган ҳақ 178,3 сўмни ташкил қилган.

- ✓ Фуқаровий ҳуқуқий шартнома асосида ишлаган ишчиларга жамият бино-иншоотлари фасад қисмини таъмирлаш ишлари учун 279,5 сўм миқдорида ҳақ тўланган.

- ✓ Бундан ташқари вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасига асосан 133,8 млн. сўм, меҳнат шартномаси бекор қилинган ходимларнинг фойдаланилмаган меҳнат таътили компенсация тўлови учун 78,0 млн. сўм, зарарли меҳнат шароитларида ишлаганлик учун тўланадиган ҳақ миқдори 0,43 млн. сўм, ходимларга хайрия хашарида ишлаган соатлари учун 8,7 млн. сўм, жамият буйруғига асосан сақланган ўртача ойлик иш ҳақи учун 2,9 млн. сўм тўланган.

#### 2.2.6 банд бўйича:

Телекоммуникациялар хизматлари учун 164,13 млн. сўм режалаштирилган бўлиб ҳақиқатда 248,7 млн. сўм сарф этилган. Режадан 84,5 млн. сўм фарқ қилган. Бунинг сабаби 22,14 млн. сўмлик 2018 йилда кўрсатилган интернет хизмати хужжатларининг айрим сабабларга кўра кечикиб келганлиги учун ҳисобот даврида акс эттирилганлиги ҳамда 2019 йил 10 декабрдаги йиғилиш баённомасига асосан «Ўзкимёсаноат» АЖ ҳамда тармоқ корхоналари ва ташкилотларнинг расмий веб-сайтларини ва ижтимоий



тармоқлардаги саҳифаларнинг янги кўринишларини шакиллантириш ва оммалаштириш буйича йиғилиш баённомасига асосан VPN хизмати учун ташқи корхоналар билан шартнома буйича курсатилган хизматлар 2020 йил учун 106,911 минг сўмни ташкил этганлиги билан изоҳланади (шартнома ва «Ўзкимёсаноат»АЖ йиғилиш баённомаси илова қилинади).

#### 2.2.9 – банд буйича

Маъмурий аҳамиятга эга бўлган асосий воситаларни сақлаш ва уларни тузатиш, шунингдек эскириш (амортизация) харажатлари 266,2 млн. сўм режа қилиниб, амалда 418,4 млн. сўмни ташкил этган. Бу хизмат енгил машиналари учун - 91,5 млн. сўм, маъмурий бино – 272,6 млн. сўм, АКТ бўлими учун 15,7 млн. сўм, ишчилар шаҳарчаси 12,5 млн. сўм амортизация харажатлари билан изоҳланади.

#### 2.3. – банд буйича

Бошқа операцион харажатлари 64,7 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 32,6 млрд. сўмга, бизнес режага нисбатан 14,7 млрд. сўм ёки 130 % га кўпайган.

#### 2.3.3 – банд буйича

Маслаҳат ва ахборот хизматлари учун 120 млн. сўм режалаштирилган амалда 14 445,2 млн. сўм харажатлар қилинган 14325,2 млн. сўм тафовут юзага келган. Яъни қуйидаги ташкилотлар консалтинг ва адвокатлик хизматидан фойдаланилган:

“WHITE AND CASE” LLP компанияси хизмати – 14 226 млн. сўм

Оммавий ахборот воститаларига обуна – 87,3 млн. сўм

FERGANA FENIX KONSALT МЧЖ - Молиявий ҳисобни халқаро стандартларга трансформацияси 30 млн. сўм.

Norma МЧЖ – дастурий таъминотдан фойдаланиш хизмати 18,1 млн. сўм,

UNICON-SOFT ООО - 14,9 млн. сўм дастурий таъминот хизмати

#### 2.3.12 – банд буйича

Банк ва депозитарий хизматлари учун 639,8 млн. сўм режалаштирилган бўлиб, амалда 1133,3 млн. сўм сарфланган. Банк хизмати ва дебет айланмаси учун 1095,7 млн. сўм, 49,4 млн сўм “Ўзкимёимпэкс” МЧЖ томонидан тақдим этилган банк хизматлари, Товар хом ашё биржаси ва бошқа коммиссион банк мукофотлари тўланиши билан изоҳланади.

#### 2.3.14 – банд буйича

Бюджетга тўловларнинг 388 млн. сўмга ошишига қуйидагилар таъсир этган:

3 сентябр 1993 йилдаги XII-938 сонли Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларни пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуни 12-бандига биноан тоғ-кон мажмуаси ходимларининг муддатидан олдин пенсияга чиқиши муносабати билан бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига 620,8 млн. сўм тўлов ҳамда



ушбу қонуннинг 15-бандига кўра 5 нафар ходимларга ногирлиги учун 98 млн. сўм тўлов амалга оширилган.

#### 2.3.15 – банд бўйича

Зарар, жарима ва пенялар 1463,3 млн. сўмни ташкил этиб, улар қуйидагилардан таркиб топган:

Зарарлар таркибида суд харажатлари 24,1 млн. сўмни ташкил этиб, шундан “Techno trading system” ХК билан боғлиқ қисми 19,4 млн. сўмни ташкил қилган.

Ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллар операциялари бўйича зарарлар 50,4 млн. сўм бўлиб шундан 48,2 млн. сўми Аргус Медиа (Раша) Лимитед томонидан, 1,2 млн. сўми декларант гуруҳи дастурий таъминоти, 0,9 млн. сўми Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди ахборотномаси, 75 минг сўми “Continental consulting” ХК томонидан 2019 йилда кўрсатилган хизматлар ҳисобидан келиб чиққан.

Асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришдан кўрилган заралар 161,3 млн. сўмни (Погрузчик SL W 50-2 – 109,1 млн. сўм, Автоцистерна соляной кислоты – 33,4 млн. сўм) ташкил қилган.

Солиқ қонунчилигини бузганлик учун 853,8 млн. сўм жарима ва пенялар ҳисобланган бўлиб, бу жамиятда 2020 йилда ўтказилган текшириш натижалари ҳамда солиқ органлари билан ҳисоб китоблар давомида шаклланган. Тўланган бошқа жарималар 373,6 млн. сўмни ташкил қилиб, шундан 333,3 млн. сўми биржа савдолари орқали харид қилинган товарлар бўйича ўз вақтида тўлов амалга оширилмаганлиги ҳисобидан шаклланган. Аммо ушбу суммадан 269,53 млн. сўм ташкилотлардан қайтариб ундириб олинган.

#### 2.3.18 – банд бўйича

“O'zkiyosanoatloyiha” ОАЖ томонидан 533,2 млн. сўмлик Сульфат калий лойиҳаси учун бизнес режаси ишлаб чиқилган.

### Дебитор ва кредитор қарздорликлари бўйича

01.01.2021 йил ҳолатига дебиторлик қарздорлик суммаси 101,1 млрд. сўмни ташкил этди, ўтган йилнинг мос даврига нисбати 2,2 млрд сўмга камайган. Дебитор қарздорликларининг айланиш даври 96 кунни, жорий активлар таркибидаги улуши 55 % ни ташкил этди.

01.01.2021 йил ҳолатига кредиторлик қарзлар суммаси 19,5 млрд. сўмни ташкил этди, ўтган йилнинг мос даврига нисбати 42,2 млрд сўмга камайган. 2020 йилда даъво муддати ўтган кредитор қарздорликдан 7,8 млрд. сўм фойда кўрилди. Кредитор қарздорликларининг айланиш даври 94 кунни, мажбуриятлар таркибида кредиторлик қарзларининг улуши 1,8 % ни этади.

Бошқарув раиси

О. Қурбонов